

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЕВА ДИЛФУЗА ПУЛАТОВНА

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ
(1991-2018 ЙИЛЛАР)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавние автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contens of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Атаева Дилфуза Пулатовна

Хоразм вилояти хотин-қизларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий
хаётидаги ўрни (1991–2018 йиллар)..... 3

Атаева Дилфуза Пулатовна

Роль женщин Хорезмской области в социально-экономической и культурной
жизни общества (1991–2018 годы) 27

Atayeva Dilfuza Pulatovna

Role of women of Khorezm region in socio-economic and cultural life of society
(1991–2018) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЕВА ДИЛФУЗА ПУЛАТОВНА

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ
(1991-2018 ЙИЛЛАР)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср иккинчи ярми - XXI аср бошида дунё миқёсида хотин-қизларга бўлган муносабатдаги ижобий ўзгаришлар ва гендер тенглиги масаласининг барқарор ривожланиш омили деб ҳисобланиши натижасида хотин-қизлар масаласига глобал доирада эътибор қаратила бошланди. Халқаро ташкилотлар ишлаб чиққан дастурларида аёллар муаммоларининг устуворлиги ҳамда давлат бошқаруви ишларига жалб қилиниши жараёнида турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларга ҳиссасини қўшаётганлиги уларнинг жамиятдаги ўз ўрнини мустақамлашга замин яратмоқда. Бу эса ўз навбатида хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилишнинг янгича тамойилларини ишлаб чиқиш заруратини тақозо этмоқда.

Дунё миқёсида нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари орқали ижтимоий сиёсат истиқболларини кенгайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида эркаklar ва аёллар бандлиги масалалари, қизларнинг жамиятдаги ижтимоийлашуви жараёни, “Аёл ва гендер тадқиқотлари”, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги мақомини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, барқарор ижтимоий ривожланишда гендер мувозанати, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ва давлат бошқарувида гендер тенгликни таъминлаш ва ушбу масалаларга оид халқаро институтлар тизимини такомиллаштириш кабилар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишига эътибор қаратилмоқда. Зеро, “бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”¹. Мазкур жараёнда мазкур соҳадаги давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширилиши учун жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрнини тадқиқ этиш долзарб саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи // [https://nrm.uz/contentf?doc=600968_o%E2%80%98zbekiston_republikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеvning_oliy_majlis_senatining_yigirmanchi_yalpi_majlisidagi_nutqi_\(2019_yil_21_iyun\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=600968_o%E2%80%98zbekiston_republikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеvning_oliy_majlis_senatining_yigirmanchi_yalpi_majlisidagi_nutqi_(2019_yil_21_iyun)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республика хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни бўйича ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, Хоразм вилояти хотин-қизларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрни масаласи акс этган адабиётларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳга мустақиллик йилларида яратилган адабиётлар киради¹. Хусусан, Д.Алимованинг Ўрта Осиё хотин-қизлари масаласига бағишланган илмий монографияси ва кўплаб илмий мақолалари хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва оиладаги ўрни масалалари анъанавий қарашлар ҳамда тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан талқин этилган².

Д.Бобожонованинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга бағишланган қатор илмий ишларида аёлларни иш билан таъминлаш бўйича муаммолар ва уларнинг ечими бўйича хулосалар берилган³.

Я.Абдуллаеванинг тадқиқотларида қорақалпоқ хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, жамият тараққиётида ўрни ва роли масалалари тарихий аспектда таҳлил қилинган⁴. Монографияда айниқса бозор

¹Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. –Тошкент:Шарқ, 1999.–160б. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2000. –215б., Холматова М. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. Док.дисс.–Тошкент, 1998.– 326 б. Ахророва С. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари. Фалсафа фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2005. –152б. Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фалсафа фан.номз...дис.автореф.–Тошкент, 2002.– 20б. Маткаримова Г. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве.: Автореф. Дис. ... докт-ра юрид.наук. – Тошкент, 2002.–41 б.; Муравьева Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. – Тошкент, 2004. – 121 б.

²Алимова Д.Женский вопрос в советской историографии Средней Азии: Дисс. ...докт. истор. наук. – Тошкент. 1991.–285 с.

³Бобожонова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Абу Райҳон Беруний номидаги ТДТУ, 1995. – 37б; Ўша муаллиф. Миллат ғурурига айланган аёл // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1996. – № 1. – Б.14

⁴Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср). Монограф. – Тошкент: Ijod dunyosi, 2004. – Б. 223; Абдуллаева Я.А. Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX - XX вв.(социально-политический аспект): Автореферат дисс...д.ра ист. наук. – Ташкент, 2005. – 46 с; Қорақалпоғистон хотин-қизлари тарихи. Антик Дунё. 2009. №1. – Б.7-9; Қорақалпоғистонда хотин-қизлар ҳаракати тарихи. Шарқ аёли: Кеча ва бугун. Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2013. – Б.51-53; Қорақалпоғистон хотин-қизлари тарихшунослиги. (XIX асрнинг сўнгги чораги - XX аср. Рисола. Қорақалпоғистон. – Нукус, 2017. – 64б.

иқтисодиётига ўтиш, глобаллашув, янги технологияларнинг кириб келиши, экологик хавфнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ хотин-қизлар масаласига бевосита таъсир ўтказётган замонавий жараёнлар ҳамда муаммоларнинг таҳлили унинг аҳамиятини янада оширган.

Н.Жўраеванинг номзодлик диссертациясида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида хотин-қизларга муносабат масаласидаги инқилобий ўзгаришлар билан боғлиқ советлар сиёсатининг моҳияти янгича тафаккур, мустақиллик мафкураси асосида илмий таҳлил қилинган¹.

Г.Ғаниеванинг тадқиқотларида ўзбек хотин-қизларининг иқтисодий ислохотлардаги иштироки, давлат бошқаруви, жамоат ва нодавлат ташкилотлардаги фаолияти, хотин-қизларнинг нолегал миграцияси, аёллар жиноятчилиги ва ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳужжатли манбалар ва архив материаллари асосида очиқ берилган².

М.Балтабаеванинг тадқиқот ишида мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидаги ўрни, хотин-қизларининг ижтимоий фаоллигини оширишда аёллар ташкилотларининг роли тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилган³.

М.Шамсиеванинг диссертациясида аёлларнинг ижтимоий мавқеи ва уларни муҳофазалаш, миграцион жараёнларнинг хотин-қизлар ҳаётига таъсири ва уни бартараф этиш йўлида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шерикчилиги каби масалалар илмий таҳлил этилган⁴.

Иқтисод йўналишидаги илмий-тадқиқотларда олимлар томонидан хотин-қизлар бандлиги, аёллар меҳнатининг халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича тақсимланиши ва иқтисодиёт соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда зарур шарт-шароитлар яратиш масалалари ўрганилган⁵.

¹Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 30 с.

²Ғаниева Г. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндашув, муаммолар ва ечимлар (мустақиллик даври 1991-2005 йй.); тарих фан. номзоди. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 161 б.

³ Балтабаева М. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2017 йиллар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2019.–53 б.

⁴ Шамсиева М. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни” (1991-2010 йиллар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2019.–52б.

⁵Убайдуллаева Р. Ўзбекистон, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар ва меҳнат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Тошкент, 1995. – №9. –Б. 24-25; Муртазина Р. Роль женщин в формировании семьи и в обществе // Ўзбекистонда оила ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. –Тошкент: Фан, 1999. – Б.32-35.; Немировская О. Экономическое поведение сельских женщин: ориентации, установки, действия. – Тошкент, 2001. –С.72 Гонорская А. Обеспечение занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан с использованием потенциала негосударственных некоммерческих организаций (на пример женской занятости). Дисс. ...канд.экон.наук. – Ташкент, 2002. – 162 с.; Аннаева Н. Аёллар тадбиркорлигининг генезиси, назарияси ва амалиёти (Ўзбекистон мисолида). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Тошкент, 2018. -151 б.

Айниқса, Оролбўйи минтақасидаги носоғлом экологик муҳитнинг аёллар саломатлигига салбий таъсирига оид тадқиқотлар тиббиёт соҳасида ҳам кенг амалга оширилган¹.

Иккинчи гуруҳни хорижий давлатларда яратилган адабиётлар ташкил этади. Ушбу адабиётларда аёлларни демократияга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётга кенг жалб этиш, уларда давлат ва жамият ишларини бошқариш, етакчилик, тадбиркорлик ва интеллектуал салоҳиятни ошириш муаммолари, гендер тенглик, аёлнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва механизмлар ўрганилган². Масалан, М.Сакс иш жойида эркаклар ва аёллар мавқеидаги тенгсизлик асосан икки хил шаклда кўринишини, яъни, ишловчи аёлларнинг касб ва мансаб жиҳатдан ўсишини чеклаб қўйиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашда намоён бўлишини таъкидлайди³. Ш.Марни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хотин-қизларни тайёрлов курсларига қабул қилиш, ишга ёллаш ва ишдан бўшатиш, раҳбарлик лавозимига тайинлаш чоғида уларни камситиш юқори даражада эканлиги ҳақида маълумотлар келтирган⁴. Аёллар тадбиркорлиги бўйича америкалик эксперт Одра Шаллал XXI асрда аёллар тадбиркорлиги бўйича изланишлар олиб борган⁵. Гейл Тземах Леммон эса, бошқарувчи аёллар бўйича мақолалар тайёрлаган⁶. Кўриниб турибдики, аёллар масаласи қатор тадқиқотчилар, мутахассислар диққатини жалб этиб келган. Бу эса, айниқса модернизациялашаётган ва глобаллашаётган замонавий жамиятда эски муаммоларга янгича ёндашишни ва янгича ечимлар топишни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 23-48-сон “Хоразм вилоятидаги ишсиз ёшлар ва аёлларни Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ўқитиш орқали янги иш ўринлари ташкил

¹ Атаниёзова А. Экологические факторы состояние здоровья матери и ребёнка в Республике Каракапакстан // Материалы международного семинара “Экологические факторы и здоровья матери и ребёнка в регионе Аральского кризиса”. – Тошкент: Фан, 2001. – С.15-20; Хайитбаев Г. Окружающая среда и состояние здоровья женщин репродуктивного возраста // Ўша манба – С. 50-52; Нугманова Л. Йододефицит среди жителей Хорезма и его влияние на состояние здоровья девушек – подростков и женщин фертильного возраста // Ўша манба – С. 52-58.

² Kamp M. The new woman in Uzbekistan: Islam, modernity, and unveiling under communism. University of Washington Press. Seattle&London, 2006.332 p.; Сакс М.Работа и равенство в советском обществе. – Нью-Йорк .1982. – С. 189.;Марни Ш. Советская биржа труда в переходной период. – Флоренция, 1992. – С.138; Калинина Е.И. Женщина и управление. Формулауспеха. – СПб., –240 с.; Усачева Н.А. Женщина: ее статус, судьба и образ вмировой культуре. – Алматы: Гьлым, 1994. – С. 21; Jallinoj R.Women Between the family and employment // Changing patterns in European family live: Acomparative anayysisof 14 European countries-L.,1989.P.132-140; Шинелова Л.Т. Женщина и общество. – М.: Политиздат, 1990. –176 с.

³ Сакс М.Работа и равенство в советском обществе. – Нью-Йорк .1982. – С. 189.

⁴ Марни Ш. Советская биржа труда в переходной период. – Флоренция, 1992. – С.138;

⁵ Одра Шаллал. Мир стереотипов. Что мешает женскому предпринимательству? // www.forbes.ru/forbes-woman/366607-mir-stereotipov-chto-meshaet-zhenskomu-predprinimatelstvu

⁶ Гейл Тземах Леммон “Женщины предприниматели – не исключение, а реальность” // <https://ideanomics.ru/lectures/14831>

этиш ва иш билан бандликка эришишга кўмаклашиш” (2013-2014 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2018 йилларда хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрни масалаларини Хоразм вилояти мисолида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг ижтимоий аҳамиятини ўрганиш;

хотин-қизларнинг фаол ҳаётий позициясини шакллантиришда фуқаролик институтларининг ижтимоий ҳамкорлигини кўрсатиш;

хотин-қизлар ва оиланинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ёритиш;

оила мустақамлигини таъминлашда аёл маънавияти ва маърифати масаласининг жамиятни ривожлантиришнинг турли шароитида устувор аҳамият касб этишини очиб бериш;

оилавий тадбиркорлик фаолиятининг янги босқичга кўтарилиши, фермер, тадбиркор, касаначи хотин-қизларнинг иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлашдаги ўрнини ёритишдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилояти хотин-қизларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги иштироки белгиланган.

Тадқиқот предметини жамият тараққиёти ва давлат бошқарувида Хоразм вилояти хотин-қизларининг фаол иштироки, уларнинг кичик бизнес, тадбиркорлик соҳаси ва фермерлик ҳаракатидаги фаолияти, аёлларнинг саломатлиги, яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, муаммовий-хронологик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил ҳамда сўровнома каби социологик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

мустақилликнинг дастлабки йилларида республика ҳаётида аёлларнинг тенг асосда иштирок этишига эришиш учун уларнинг ижтимоий мақоми юксалтирилиб, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширилиши натижасида жамият институтлари ўзаро мулоқотларининг фаол субъектига айланганлиги далилланган.

республикада бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳоли даромадларининг камайиши, муайян касб-ҳунардан ажралиши натижасида оиланинг моддий даромадларининг камайиши пировардида гендер мувозанати бузилишига олиб келганлиги исботланган;

вилоятда хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид билимларини оширишга қаратилган ўқув курсларининг очилиши, кредит уюшмаларини ташкил этилиши, нодавлат, нотижорат ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда янги иш жойларини яратилиши, меҳнат фаолиятини уй-рўзгор юмушлари билан бирга олиб бориши учун касаначиликни

ривожлантирилиши аёлларнинг меҳнат бандлигини кучайтиришга хизмат қилганлиги асосланган;

сўнгги йилларда хотин-қизларнинг таълим квоталарини оширилиши, интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида грантларни тақдим қилиниши вилоятда аёлларнинг илм-фан соҳасида иштирокининг кенгайтиришига ҳамда мазкур соҳада гендер мувозанатининг ижобий тарафга ўзгаришига олиб келганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги фаоллигини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг моҳияти, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатида аёллар иштироки, оилавий тадбиркорлик фаолияти, оила мустаҳкамлигини таъминлашда аёл маънавияти ва маърифати, хотин-қизларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш масалаларига доир илмий хулосалардан Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ёритишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлар аниқланган;

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврини тадқиқ этиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муаммоларини ўрганишга қаратилган ҳамда ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий архиви, Хоразм вилояти архиви, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва унинг шаҳар ва туман бўлимларидаги жорий архивлари, ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жорий архивлари жамғармаларида сақланаётган кўплаб ҳужжатларга асосланганлиги, тадқиқот маълумотларининг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамият ривожидан хотин-қизлар масаласи билан боғлиқ янги ёндашувлар ва илмий йўналишларни яратиш вазибаларини амалга ошириш, шунингдек, тарихий тадқиқот усулларини янада такомиллаштиришга ҳамда тарих фанини янги асосларда ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда умумлаштирилган маълумотлардан Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ёзишда, олий ўқув юрти талабалари учун янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларни ёритишда, шунингдек, хотин-қизлар масалаларига оид, семинар-тренинглари ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилояти хотин-қизларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги иштирокига оид илмий натижалар, хулоса ва амалий таклифлар асосида:

мустақилликнинг дастлабки йилларида республика ҳаётида аёлларнинг тенг асосда иштирок этишига эришиш учун уларнинг ижтимоий мақоми юксалтирилиб, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширилиши

натijasida jamiyat institutlari ўzaro muvoqotlarining faol sub'jektiga aylanганишига oid natijalardan "Маҳалла ва Оилани қўллаб-қувватлаш Вазирлиги"нинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш вазифаларининг Хоразм вилоятидаги ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва Оилани қўллаб-қувватлаш Вазирлигининг 2020 йил 28 августдаги 02-09/1020-сон маълумотномаси). Илмий natijalarнинг қўлланилиши оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг ижтимоий аҳамиятини оммага етказиш ва дастурларни мазмунан бойитишга хизмат қилган;

республикада бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳоли даромадларининг камайиши, муайян касб-хунардан ажралиши natijasida оиланинг моддий даромадларининг камайиши пировардида гендер мувозанати бузилишига олиб келинишига oid natijalardan Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан сўровномаларни ўтказишда фойдаланилган. (Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2020 йил 23 сентябрдаги 04-06/128-сонли далолатномаси). Илмий natijalarнинг жорий қилиниши хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда уларнинг ўрни ва ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

вилоятда хотин-қизларнинг тадбиркорликка oid билимларини оширишга қаратилган ўқув курсларининг очилиши, кредит уюшмаларини ташкил этилиши, нодавлат, нотижорат ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда янги иш жойларини яратилиши, меҳнат фаолиятини уй-рўзғор юмушлари билан бирга олиб бориши учун касаначиликни ривожлантирилиши аёлларнинг меҳнат бандлигини кучайтиришга хизмат қилганлиги билан боғлиқ natijalardan 2015 йил 31 майда Хоразм вилоят телерадиокомпаниясида "маънавият сабоклари" ва 2019 йил 6 мартда Хоразм ТВ да "Хоразмнома" теледастурлари сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 28 августдаги 10/20-135-сон маълумотномаси). Тадқиқот natijalari хотин-қизлар ҳуқуқи ва манфаатларининг давлат ва жамият томонидан мунтазам ҳимоя қилиниши орқали аёллар мавқеи мустаҳкамланишининг аҳамиятини кучайтиришга oid янгича қарашларни шаклланишига хизмат қилган;

сўнги йилларда хотин-қизларнинг таълим кўчатларини оширилиши, интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида грантларни тақдим қилиниши вилоятда аёлларнинг илм-фан соҳасида иштирокининг кенгайтиришига ҳамда мазкур соҳада гендер мувозанатининг ижобий тарафга

ўзгаришига оид натижалардан O'zLiDeP Хоразм вилояти Кенгашининг “Аёллар қаноти” туманлардаги “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили” Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ижтимоий дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – O'zLiDeP нинг 2020 йил 22 сентябрдаги 01-27/411-сон маълумотномаси). Натижада тақдим этилган материаллар хотин-қизларнинг тарихдаги тутган ўрни, оила ва жамиятдаги мавқеи, давлат бошқаруви ва қарорлар қабул қилишдаги иштироки, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги фаолияти ҳақида кенг маълумотларга эга бўлишларига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференция ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 6 та, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мамлакатни модернизациялаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш омиллари”** деб номланган биринчи боб биринчи параграфда мустақиллик йилларида хотин-қизларга янгича муносабатларнинг қарор топиши, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки, жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини ошириш бўйича олиб борилган ислохотлар таҳлил этилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизлар ва

эркаклар тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилган¹. Бу борада бир қатор тарихий Фармонлар, қарорлар, қонун ости ҳужжатлари, яъни 80 дан ортиқ халқаро андозалардаги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу эса аёлларнинг ижтимоий фаол куч сифатида давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга имконият яратиб келди².

1999 йилнинг “Аёллар йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар Давлат дастури” тасдиқланди³. Мазкур дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, аёллар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз ичига қамраб олган Вазирлар Маҳкамасининг ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат турлари билан банд бўлган аёлларнинг даромадларига имтиёзли солиқ солиниши тўғрисидаги қарори қабул қилинди⁴. Шунингдек, “Фуқаролик Кодекси”, “Меҳнат Кодекси”, “Таълим тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш”, “Аҳоли бандлиги”, “Сайловлар тўғрисида”ги ва бошқа 400 дан ортиқ қонунларда хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳалардаги ҳуқуқлари қонуний жиҳатдан мустаҳкамланди. Чунончи, Фуқаролик Кодексининг 17-моддасида барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати тенг равишда эътироф этилиши, Оила Кодексининг 2-моддасида эса оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамлаб қўйилган. Меҳнат Кодексининг 6-моддаси талаблари бўйича фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиши ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгаллиги, уларнинг жинсига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга йўл қўйилмаслиги ва бундай ҳолатлар вужудга келса, камситиш деб ҳисобланиши ҳуқуқий норма сифатида белгилаб қўйилган⁵. Чунки ижтимоий давлат қуришга йўналтирилган айрим мамлакатларнинг тажрибаларидан маълумки, фақат битта жинс томонидан шакллантириладиган ва амалга ошириладиган сиёсат барча фуқароларнинг манфаатларини ифодалай олмайди. Шунинг учун жамият ҳаётида аёлларнинг тенг асосда иштирок этишига эришиш учун уларни янада қўллаб-қувватлаш, билим ва савияларини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир. Зеро, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. X боб. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари. 46-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

² Қурбонова М. Аёллар манфаатлари қонун ҳимоясида // Ҳуқуқ. – Тошкент, 2012. №10 (791). – Б.8.

³ “1999 йилда Оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан давлат дастури тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Тошкент ш., 1999 йил 18 февраль, 73-сон // lex.uz.

⁴ Қурбонова М. Аёллар манфаатлари қонун ҳимоясида // Ҳуқуқ. – Тошкент, 2012. №10 (791). – Б.8.

⁵ Хўжаева М. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари. Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси. // Халқ сўзи, 2015 йил 3 декабрь. – Б.1-2.

Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар туфайли уларнинг жамиятдаги роли тобора ортиб борди. 1994 йилда хотин-қизлар Олий Мажлис депутатларининг 6 фоизини, 1999 йилда эса, 9,4 фоизини¹ ташкил этган бўлса, 2004 йилда икки палатали парламентнинг ташкил топиши натижасида Қонунчилик палатаси депутатларининг 18фоизини (Хоразм вилоятидан Ш.Хўжаниязова ва Г.Ибодуллаева) ва Сенат аъзоларининг 15фоизини², 2009 йилда Қонунчилик палатаси депутатлари таркибида 22 фоизни, Сенат таркибида 15фоизни ташкил этган (Хоразм вилоятидан В.Пак)³. 2014 йилда эса бу кўрсаткич Олий Мажлис Сенатида 17 фоиз, Қонунчилик палатасида 15фоиздан иборат бўлган⁴. Хоразм вилоятидан Сенатор С.Абдиқаримова, Қонунчилик палатаси депутати сифатида К.Джумамуратова ва Б.Машарипова фаолият юритишган⁵. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Халқ депутатлари Маҳаллий кенгашларига сайланган аёл депутатлар улуши 23,5 фоизни ташкил этди. Аёллар сиёсий ҳаётда фаол бўлиб, 14 вилоят, 26 шаҳар, 167 туман бошқарувида аёллар ҳоким ўринбосарлари лавозимларида фаолият юритди⁶. Уларнинг ушбу йўналишдаги вакиллиги, шубҳасиз, ижтимоий соҳалар, хотин-қизлар, оила, оналик ҳамда болалик муҳофазасига оид мукамал қонунлар қабул қилинишида долзарб аҳамият касб этди. Албатта бу жараёнларда республикадаги мавжуд сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” фаолиятини ҳам эътироф этиш мақсадга мувофиқдир (400 минг нафарга яқин аёл сиёсий партияларнинг аъзоси ҳисобланади)⁷.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини таъминлашда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси алоҳида аҳамият касб этди. Хоразм вилоятида Хотин-қизлар кўмитасининг 1560 та бошланғич ташкилотлари (корхона ва ташкилотларда – 529 та, маҳалла фуқаролар йиғинларида – 425 та, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида – 95 та, умумтаълим мактабларида – 511та) фаолият юритган⁸. Бошланғич хотин-қизлар кўмиталари тизими жойларда аёлларнинг ҳаёт тарзи, фаровонлик даражасини юксалтириш йўлидаги давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида ўз фаолиятини давлат эътибори ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ташкил этиб келди. Бу борада демократик институтлар фаолияти, улар ўртасидаги ўзаро ижтимоий шерикчилик алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Хотин-қизларнинг демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол

¹ Ғуломова Д. Ўзбекистон хотин-қизлари мустақиллик йилларида // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.138.

²Ўзбекистон Миллий Архиви (ЎзМА). М-69 жамғарма, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 54-варақ.

³ Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси жорий архиви, (ЎХҚҚЖА) 2010 йил маълумотлари.

⁴ Хоразм вилояти хотин-қизлар кўмитасининг жорий архиви (ХВХҚҚЖА) 2015 йил маълумотлари.

⁵ Абдураимова Н. Хотин-қизлар фаоллиги // Хоразм ҳақиқати газетаси 2014 йил 26 ноябрь.

⁶ ЎХҚҚЖА, 2015 йил маълумотлари.

⁷www.stat.uz/en/181-ofytsyalnaia-statystyka-en/.

⁸ Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг (ЎХҚҚ) 2016 йил 12 октябрдаги 02/696-10- сонли хатида белгиланган вазифалар ижроси бўйича Хоразм вилояти хотин-қизлар кўмитасининг(ХВХҚҚ) ҳисоботи. ХҚҚЖА 2017 йил маълумотлари.

ва ташаббускор иштирокчиси бўлишига эришилди. Хоразм вилояти аёлларининг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштироки юксак давлат унвонлари, қатор орден ва медаллар билан муносиб тақдирланиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Хива шаҳри 20-сонли болалар уйи директори В.Пак, Гурлан туманидаги Ибн Сино номли 5-сон умумтаълим мактаби директори А.Маҳмудова, Хоразм Маъмун академияси жанубий Оролбўйи тарихий ва меъморий ёдгорликларини синаш ва таъмирлаш лабораторияси мудир Г.Дурдиева “Дўстлик” ордени билан, Урганч шаҳридаги “Хоразм технология” хусусий корхонаси раҳбари Н.Қўшчонова “Шухрат” медали, вилоят кардиология МКЗИ бўлими мудир А.Юсупова “Меҳнат шухрати” ордени, Урганч ипак курти уруғи заводи бош муҳандиси А.Назарова, Хоразм қурилиш бошқармаси бўёқчиси Л.Раҳматулина, Янгиариқ тумани электр алоқа тармоғи алоқачиси Г.Қаландарова “Дўстлик” ордени, Хазорасп туманидаги 1-мактабнинг физика ўқитувчиси Б.Вафоева “Эл-юрт ҳурмати” ордени, Хонқа маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Г.Аҳмедова 1-даражали “Соғлом авлод учун” ордени, Урганчдаги 3-мактаб гимназия директори И.Пак 2-даражали “Соғлом авлод учун” ордени, Урганч шаҳридаги 5-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Маткаримова “Эл-юрт ҳурмати учун” орденига сазовор бўлишгани шулар жумласидандир. Шу ўринда яна вилоятда раҳбарлик лавозимида фаолият юритиб, вилоятнинг ижтимоий-маънавий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган вилоят Меҳр-шафқат жамғармаси раиси Л.Асқарова, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева, Хоразм ҳақиқати ва Хорезмская правда газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири С.Раҳимбергановани ҳам мисол келтириш мумкин.

Таҳлиллардан кўринадики, миллий демократик тараққиёт хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги олдида маълум бир талабаларни ҳам қўйди. Яъни, аёллар ижтимоий-сиёсий фаолиятни уй-рўзғор юмушлари ва фарзанд тарбияси билан уйғун ҳолда олиб боришди. Бу эса, ижтимоий-тарихий тараққиёт хотин-қизларни оилани бошқариш, уй-рўзғор юмушларини бажаришга мослаштирганидан далолатдир.

Иккинчи параграфда модернизация шароитида хотин-қизларнинг фаол ҳаётий позициясини шакллантиришда фуқаролик институтларининг ижтимоий ҳамкорлиги масалалари ўрганилди. Жамиятда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаш, улар ҳақ-ҳуқуқларини назорат қилиш юзасидан турли фуқаролик институтлари – сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим роль ўйнайди. Бунда турли ижтимоий, сиёсий, маънавий аҳамиятга молик тадбирларнинг ўтказилиши, уларда хотин-қизларнинг иштироки, ўз фикр-мулоҳазаларига эга бўлиши, энг муҳими сиёсий жараёнларни англаб етиши ва бунинг натижасида уларнинг сиёсий савияси, дунёқараши юксалиб бораётганлигини айтиш лозим. Шу ўринда икки масалага алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Биринчиси, ноҳукумат ташкилотлар сифатида қаралиб келинган хотин-қизлар

ташкiлотларининг жамиятда тутган ўрни ва нуфузи ошди. Иккинчидан эса, шу ташкiлотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Нодавлат, нотижорат ташкiлотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди¹. Ўзбекистонда хотин-қизлар нодавлат, нотижорат ташкiлотларининг вужудга келиши ва ривожланиши даврини хотин-қизлар жамоат ташкiлотлари билан ҳукумат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб боришига кўра уч босқичга бўлиб таҳлил этиш мумкин: 1. 1991-1995 йиллар - жамоат бирлашмалари шаклланишнинг бошланғич даври бўлиб ҳали давлат томонидан тўла эътироф этилмаган эди. 1991 йил аёлларнинг ижтимоий, фуқаролик, маданий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи илк жамоат ташкiлоти Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ишбилармон аёллари “Тадбиркор аёл” ассоциацияси, 1992 йил Ўзбекистон хотин-қизлар “Олима” уюшмаси рўйхатга олинади. 2.1995-1997 йиллар - давлат ва ташкiлотлар томонидан мамлакат тараққиётидаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш лозимлиги англаб етилди ва бу даврда 50 тага яқин хотин-қизлар жамоат ташкiлотлари рўйхатга олинади. Республика “Фаҳрия аёллар” уюшмаси, Тошкент шаҳар “Хотин қизлар маркази”, Самарқандда “Сабр” ишонч марказлари шулар жумласидандир. 3.1997 йилдан янги тараққиёт давригача ҳукумат ва ташкiлотларнинг биргаликдаги ташаббуси вужудга келди ҳамда ривожланди. Буни Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг биргаликдаги фаолияти мисолида кўриш мумкин. 1998 йилда 9 та аёллар нодавлат нотижорат ташкiлоти тузилиб, 7таси давлат рўйхатидан ўтган бўлса, 1999 йилда эса 19 та шундай ташкiлот тузилиб, 15 таси адлия идораларида рўйхатга олинган². Янги ривожланиш босқичида аёллар ташкiлотлари фаолият соҳаси кенгайиб, хотин-қизлар сони ортиб, интеграциялашувнинг кучайиб бораётганлиги билан характерланади. Бироқ, шу ўринда хотин-қизлар жамоат ташкiлотларининг молиявий ва моддий-техник базаси заифлиги, жамоатчиликнинг хотин-қизлар ташкiлотлари фаолияти тўғрисида етарли ахборотга эга эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Хотин-қизлар ташкiлотларининг асосий муаммоси барқарорлик масаласи бўлиб, уларнинг фаолияти доимий бўлмаган молиявий манбалар, яъни асосан хориж лойиҳалари (грантлари), аъзолик бадаллари, ўз тадбиркорлик фаолиятларидан олинadиган даромадлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган хайриялар ҳисобидан молиялаштириб келинди.

Ўзбекистонда 2017 йилда 295та³ хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкiлотлари рўйхатга олинган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 72 тани⁴,

¹ Нодавлат нотижорат ташкiлотлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1999 йил 14 апрель, 763-1-сон (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2012 й., 15-сон, 164-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон)

² Асминкин Я. Ўзбекистон аёллар нодавлат нотижорат ташкiлотлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - Б.9.

³ “Аёллар жамоат ташкiлотлари Форуми” // <http://wcu.uz/uz/pages/Forum>

⁴ Қориева М. Маънавий камолот кўзгуси // Миллий тикланиш, 2009 йил 25 февраль

2013 йилда 158 тани ташкил этган¹. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида фаолият олиб борадилар. Ваҳоланки, бундай ташкилотлар фаолиятини аёллар муаммолари мавжуд бўлган кишлоқ ҳудудларида ташкил этиш хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шундай бўлса-да, аёлларнинг ташаббуслари билан тузилган нодавлат ташкилотлар янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланганлигига ва аёллар ҳаракатининг вужудга келганлигига далолатдир. 2018 йили Хоразм вилоятида жами 530 та нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган бўлиб, ушбу ташкилотларнинг барчасида аёллар ва оила манфаатлари алоҳида йўналиш сифатида ўз аксини топган. Шунингдек, рўйхатга олинган хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 29 тани ташкил этади². 2015 йилда Хоразм вилоятидаги ННТлар сони 509 та бўлган эди³. Мазкур нодавлат нотижорат ташкилотларининг 37 фоизини хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, 18 фоизини тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка жалб этиш, 14,5 фоизини ижтимоий ҳимоя қилиш, 11,5 фоиз хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш билан шуғулланиб келган⁴.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” етакчилари ҳам муҳим роль ўйнади. Хоразм вилоятида ҳам 10 та туман ва 1 та шаҳар кенгашида сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” фаолият юритади. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва сиёсий партиялар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўнатирилган турли давра суҳбати, учрашув, кўрик танловлар, тадбирлар ташкил қилинди. Хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида “Адолат” социал-демократик партияси “Партиянинг оқила аёли”⁵, Ўзбекистон халқ демократик партияси “ЎзХДП нинг энг фаол аёли”, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси “Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони”⁶ каби кўрик-танловлари ташкил этиб келинди. Тадқиқотлар таҳлилига кўра, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишда уларда сиёсий ваколат учун кураш тажрибасини шакллантириш, сиёсий карьера имкониятлари тарғиб этиш, аёл мутахассисларнинг раҳбарлик лаёқатини юзага чиқариш имкониятларини яратиш, сайловолди ташвиқотларда аёл номзодларни қўллаб-қувватлаш, улар эришган ютуқларни оммалаштириш орқали сайловчилар ишончини қозониш, сайловолди дастурларини тузишда

¹“Аёллар жамоат ташкилотлари Форуми” // <http://wcu.uz/uz/pages/Forum>

²[www // xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/interaktivnye-uslugi/nnt/](http://www.xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/interaktivnye-uslugi/nnt/)

³Отажонова М. Фуқаролик жамияти институтлари – ривожланиш йўлида. // Хоразм ҳақиқати газетаси 2015 йил 22 апрель.

⁴Кадр-кимматим, таянчим ва ифтихоримсан Мустақил Ўзбекистон. –Тошкент: Маънавият, 2013. –Б.128.

⁵Абдуллаева З. Хоразмлик фаол аёллар. // Адолат газетаси, 2013 йил 20 сентябрь

⁶Кулимова О. Хоразм аёлларининг фаоллиги давом этади. [www // old.xdp.uz/oz/ududiy-partiya-kengashlari/tadbirlar/?ID](http://www.old.xdp.uz/oz/ududiy-partiya-kengashlari/tadbirlar/?ID)

амалий кўмак кўрсатиш, турли бюрократик тўсиқларни олдини олиш, номзодлар захираларини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим. Албатта бу каби чора-тадбирлар хотин-қизларнинг сиёсий соҳадаги кенг фаолияти учун етарли шарт-шароитларни яратиш, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон иқтисодиёти трансформацияси шароитида хотин-қизлар бандлиги масалалари”** деб номланган иккинчи бобида Хоразм вилояти хотин-қизлари бандлигини таъминлашда иқтисодий ислохотларнинг тарихий аҳамияти, вилоят аёлларининг тадбиркорлик фаолияти ва фермерлик ҳаракатидаги иштироки, бу борадаги давлат сиёсати аёлларнинг жамиятда фаол ижтимоий кучга айланиши билан бирга мамлакат таракқиётида муҳим аҳамият касб этганлигига эътибор қаратилди.

Мустақиллик йилларида аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги имкониятларини белгиловчи ҳамда ижтимоий ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди¹. Бу ҳужжатларда аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашнинг умумий қоидалари, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли махсус қоидалар ва тартиб-таомиллар ҳамда имтиёзлар, аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича таъқиқлар бекор қилиниши ақс этган. Хусусан, 1999 йилда қабул қилинган “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида”ги Қонунга биноан, 3 ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатига тўланадиган иш ҳақлари камайтирилмаган ҳолда улар иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан оширилмайдиган чегараланган қатъий меъёри белгиланди². Шунингдек, Меҳнат Кодексида меҳнатга оид муносабатларда аёлларнинг камситилиши, хусусан, ҳомиладорлиги, уч ёшга тўлмаган боласи бор бўлган аёлни ишга қабул қилишни рад этиш қонун билан ман этилган. Агар шундай ҳолат юз берган тақдирда мансабдор шахс маъмурий, ҳатто, жиноий жавобгарликка тортилади³. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”⁴, - деб белгилаб қўйилган. Хоразм вилоятида ишлаётган аёлларнинг 60 фоиздан ортиғи ноишлаб чиқариш соҳасидаги тармоқларда, асосан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2246 Фармони17.03.1999й.//ngm.uz; “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонун; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон қарори. 07.03.2019www // lex.uz.

² Қориева М. Маънавий камолот кўзгуси // Миллий тикланиш, 2009 йил 25 февраль.

³ Қулимова Г. Аёл ҳуқуқлари // Хоразм ҳақиқати, 2008 йил 17 сентябрь.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // constitution.uz.

маданият, савдо хизмати, бошқарув соҳаларида фаолият кўрсатган¹. Шунинг учун ҳам, вилоятда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлашда асосий эътибор хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид билимларини ошириш, иқтисодий маданиятини шакллантиришга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш, аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш мақсадида кредит уюшмаларини ташкил этиш, нодавлат, нотижорат ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда турли дастурларни амалга ошириш орқали иш жойларини яратиш ва аёлларнинг меҳнат муҳофазасини кучайтиришга қаратилди. Аёллар бандлигини таъминлашда уларнинг ижтимоий меҳнат фаолиятини уй-рўзғор юмушлари билан бирга олиб бориши учун касаначилик ривожлантирилди. Хусусан, 2007 йилда Урганч шаҳри ҳудудида 463 та касаначилик ўринлари очилиб, уларнинг 207 таси аёллар томонидан банд қилинди. Касаначилик бўйича энг кўп иш ўрни ташкил қилган корхона “Феруз-Хоразм” очик акциядорлик жамияти бўлиб, 100 та ишчи ўрни ташкил қилинган². Вилоятдаги барча касб-хунар коллежларида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўқувчиларнинг бандлигини таъминлаш штаби ташкил этилган ва битирувчи қизларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган³. Айниқса, вилоят хотин-қизлар кўмитаси касб-хунар коллежлари битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ташкилотлар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда, 2015 йилда 13104 нафар битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшди⁴.

